Юкори даромадли лойихларга химояланган инвестициялар

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$41 000


ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$60 000

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
102%

МУАЛЛИФ САРМОЯСИ:
$10 000

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 1920
ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ

Лойиханинг махсади: Лойиҳа электромобилларни таъмирлашга қаратилган бўлиб, бу энг тез ўсиб бораётган ва талаб ортиб бораётган соҳалардан биридир. Фаолият Тошкент шаҳрида амалга оширилади ва хусусий автосалонлар ҳамда давлат корхоналари билан ҳамкорликни ўз ичига олади. Сервис кунига **10** та электромобилни таъмирлаш қобилиятига эга бўлиб, бу юқори самарадорликни таъминлайди. Келгусида халқаро бозорларга франчайзинг тизими орқали чиқиш режалаштирилган.

Лойиҳанинг асосий афзалликларидан бири шундаки, сервис Хитойлик муҳандис томонидан бошқарилади, бу эса юқори малака ва уникал тажрибани кафолатлайди. Бундан ташқари, сервис гибрид ҳамда тўлиқ электр транспорт воситаларини нольдан тўлиқ тикланишгача таъмирлаш имкониятини тақдим этади, бу уни бозорда универсал ва талабгир қилади.

Муаллиф лойиҳага ускуналар хариди учун $10,000 сармоя киритган.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $41 000, шундан:

Номланиши	Сумма, $
Ҳужжатларни расмийлаштириш	400
Маркетинг, блогерларда реклама	8 000
Жойни таъмирлаш	2 000
Ускуналар	18 000
Хизмат сафарлари ва ўқитиш	3 000
Жойни ижарага олиш (1 ой)	2 500
Иш хаки (1 ой)	5 000
Бошка харажатлар	2 100
Жами	**41 000**

Йиллик даромадлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Батареяни алмаштириш	72 000
Моторни таъмирлаш	64 800
Редукторни таъмирлаш	28 800
Бошқа хизматлар	11 000
Жами	**176 600**

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Иш хаки	60 000
Жой ижараси	30 000
Маркетинг	18 000
Соликлар	5 000
Бошка харажатлар	3 600
Жами	**116 600**

- Йиллик даромад: $176 600
- Йиллик харажатлар: $116 600
- **Йиллик соф фойда**: $176 600 – $116 600 = **$60 000**

$$\textbf{ROI} = \frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}} \text{ x Инвестор улуши x 100\% = } \textbf{102\%}$$

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармояси тўлиқ қоплангунига қадар:

Инвестор – **70%** ва лойиҳа Муаллифи – **30%**

Инвесторнинг киритган сармояси тўлиқ қоплангач:

Инвестор – **50%** ва лойиҳа Муаллифи – **50%**

Россиядаги автосервисларнинг атиги **7%и** хитой автомобилларини таъмирлашни уддалайди. Асосий муаммо — рус тилидаги каталоглар ва кўрсатмаларнинг йўқлиги, бу эса мутахассисларнинг ишини қийинлаштиради.

Бу муаммоларга, шунингдек, эҳтиёт қисмларнинг юқори нархлари, малакали кадрларнинг етишмаслиги ва тўловлардаги қийинчиликлар ҳам қўшилади.

Бироқ, компаниялардан бири бу муаммонинг ечимини топди. Улар хитойлик мутахассисни жамоага жалб қилдилар, у хитой автомобиллари ҳақида чуқур билимларга эга. Энди улар нафақат автомобилларни самарали таъмирлаш, балки маҳаллий усталарни хитой брендлари билан ишлашга ўргатиш имкониятига ҳам эга.

Бу хитой автомобиллари эгалари учун профессионал сервис олиш ва ўз автомобилларига ишончни ошириш учун ноёб имкониятдир.